

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.Т.10.02. РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**КОШЕКОВ РАШИТ МАЖИТОВИЧ**

**СУВ ТАНҚИСЛИГИ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА  
СУВДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ТЕХНОЛОГИК  
АСОСЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**06.01.02- Мелиорация ва суғорма дехқончилик**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2018**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской (Doctor of Science) диссертации**  
**Content of the abstract of doctoral dissertation (Doctor of Science)**

**Кошекoв Рашит Мажитoвич**

Сув танқислиги шарoитида қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишнинг ташкилий ва технологик асосларини ишлаб чиқиш .....3

**Кошекoв Рашит Мажитoвич**

Разработка организационных и технологических основ сельскохозяйственного водопользования в условиях дефицита воды .....25

**Koshekov Rashit Majitovich**

Elaboration of organizational and technological basics for agricultural water use in the conditions of water deficit .....51

Эълон қилинган ишлар руйхати

Список опубликованных работ

List of published works .....54

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 27.06.2017.Т.10.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**КОШЕКОВ РАШИТ МАЖИТОВИЧ**

**СУВ ТАНҚИСЛИГИ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА  
СУВДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ТЕХНОЛОГИК  
АСОСЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**06.01.02- Мелиорация ва суғорма деҳқончилик**

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2018 йил**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.DSc/Т.199 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифада ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Рамазанов Обиджон**  
қишлоқ хўжалиқ фанлари доктори,  
профессор, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат  
кўрсатган фан арбоби

**Расмий оponentлар:** **Курбанбаев Ережен**  
техника фанлари доктори, профессор

**Безбородов Герман Александрович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Мурадов Рустам Анварович**  
техника фанлари доктори

**Етакчи таъкилот** "UzGIP" МЧЖ

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти хузуридаги DSc.27.06.2017.Т.10.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «23» май соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 1000000, Тошкент ш, Қори Ниезий кўчаси, 39-уй. Тел: (99871) 237-22-67, 237-22-09; Факс: (99871) 237-54-79, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (12 рақам билан руйхатга олинган) Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниезий кўчаси, 39-уй. Тел: (+99871) 237-22-67.

Диссертация автореферати 2018 йил 10.03 кунги тарқатилди.  
(2018 йил 10.03 даги № 12 рақамли расмий бешмозлаш).



**Т.З Сулганов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

**А.А.Янгиев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

**А.Т.Салохиддинов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш хузуридаги илмий  
семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларини оқилона бошқариш усулларини такомиллаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан сув ресурсларини оқилона бошқариш, уларни тўғри тақсимлаш усуллари, ерларнинг шўрларини ювиш технологияларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу борада кўпгина мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Хитой, Германия, Хиндистон, Швеция ва бошқа давлатларда сув танқислиги шароитларида сувдан самарали фойдаланиш ва бошқариш усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, сувдан самарали фойдаланиш технологияларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада, жумладан сув ресурсларини оқилона бошқариш, сув ресурсларини тақсимлаш, ерларнинг шўрини ювиш, суғориладиган ерларнинг экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда текислик ҳудудларда, жумладан Қорақалпоғистон Республикасининг суғориладиган деҳқончилик минтақасида аграр соҳанинг барча тармоқларининг барқарор ривожланишини таъминлаш ва сувдан самарали фойдаланиш усулларини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада, жумладан сўнгги 40 йил давомида Амударёнинг қуйи оқимида вужудга келган вазиятнинг салбий асоратларини инобатга олиб, суғориладиган ерларнинг экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сувдан самарали фойдаланиш усулларини такомиллаштириш зарур ҳисобланмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш»<sup>1</sup> таъкидлаб ўтилган. Мазкур вазифани амалга ошириш, жумладан экинларнинг ресурстежамкор суғориш ва сувдан фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш асосида ерларнинг унумдорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон 2017-2021 йилларда «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги, 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932-сон «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ-1958-сон «2013-2017 йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори ҳамда мазкур фаолиятига тегишли бошқа

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Табиатдан самарали фойдаланиш ва экология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, сувдан самарали фойдаланиш, ерларнинг шўрларини ювиш технологияларини такомиллаштиришга, сув захираларидан самарали фойдаланишнинг ташкилий-бошқарув технологияларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан Karlsruhe Water University (Германия), Colifornian Bizness and Irrigation University (АҚШ), Stokgolm Tekhnology University (Швеция), А.Н. Костяков номидаги Россия мелиорация ва гидротехника илмий-тадқиқот институти (Россия), Сув ресурсларини бошқариш халқаро институти (IWMI), Тошкент ирригация ва сув хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва унинг қошидаги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтларида (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, сувдан самарали фойдаланиш, ерларнинг шўрларини ювиш технологияларини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: сувдан фойдаланишнинг тизимли ва районлашган режаларини тузиш услубияти ишлаб чиқилган (А.Н.Костяков номидаги Россия мелиорация ва гидротехника илмий-тадқиқот институти, Россия); сув захираларини бошқариш ва истеъмолчиларга тақсимлаш усуллари ишлаб чиқилган (А.Н.Костяков номидаги Россия Мелиорация ва гидротехника илмий-тадқиқот институти, Россия, Сув ресурсларини бошқариш халқаро институти (IWMI), Шри-ланка), ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилган (Colifornian Bizness and Irrigation University, АҚШ), қишлоқ хўжалиги экинлари учун оптимал суғориш режимларининг методологик асослари ишлаб чиқилган (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Ўзбекистон).

Дунёда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларини оқилона бошқариш усуллари такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ер-сув ресурсларидан

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқот шарҳи Stenley Knadson. Forrow irrigation aim for efficiency with surgucablegation, Irrigation Age Ahvil 1986// Zhang H. Improving water productivity through deficit irrigation examples from Syria, the North China Plain and Oregon, USA. pp. 301-311. 2003// Debaeke P, Aboudrare A. Adaptation of crop management to water-limited environmens/ Eur. J.Agron 21, pp. 433-448. 2004// Sam Geerts, Dirk Paes. Deficit irrigation as an on-farm strategy to maximize crop water productivity in dry areas/ Agricultural water Management no 96. 2009. pp. 1275-1285, 2009 ва бошқа манбалар асосида бажарилган

оқилона фойдаланишнинг илмий асосларини такомиллаштириш; ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва шўрларини ювиш услубиятларини такомиллаштириш; сув захираларидан самарали фойдаланишнинг ташкилий-бошқарув ва ресурстежамкор технологияларини ишлаб чиқиш; сувдан фойдаланишнинг тизимли ва районлашган режаларини тузиш услубиятини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сувдан самарали фойдаланиш, ерларнинг шўрларини ювиш муаммолари бўйича бир қатор олимлар илмий изланишлар олиб боришган, жумладан, сув танқислиги шароитида сув ресурсларини бошқариш усулларини ишлаб чиқишга Stenley Knadson, P.Debaeke, H.Zhang, P.Sam Geerts лар салмоқли ҳисса қўшганлар.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ўсимликларни мақбул суғориш тартиби, сув тежамкор суғориш усуллари ва технологияларини яратиш бўйича Х.А.Ахмедов, Н.Т.Лактаев, Б.С.Серикбаев, Ф.А.Бараев, М.Х.Ҳамидов, М.Ф.Натальчук, И.А.Шаров, Б.А.Шумаков, Б.Б.Шумаков, П.А.Волковский, С.А.Полинов, В.А.Сурина ва бошқалар ўз тадқиқотлари асосида ижобий натижаларга эришган. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқнинг шўрланиш даражасини аниқлаш бўйича С.Ф.Аверьянов, С.Н.Рыжов, А.И.Голованов, В.В.Волобуев, Н.Ф.Беспалов, В.М.Легостаев, В.А.Духовный, Х.Э.Якубов, Ф.М.Рахимбоев, О.Р.Рамазонов, Р.К.Икромов, М.А.Якубов, А.У.Усмановлар томонидан илмий ишланмалар ишлаб чиқилган. М.А.Пинхасов, Н.А.Гаипназаров, Н.Н.Хожанов, Б.Бабажанов томонидан сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг тизими, асосий мақсад ва вазифалари бўйича илмий ишлар ишлаб чиқилган. В.Г.Штепа, Н.У.Утеулиев, В.Г.Пряжинская, В.Г.Кардаш, А.В.Бочарин. томонидан сув танқислиги шароитида сувдан фойдаланишнинг математик моделлаштириш услубияти яратилган.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасининг суғориладиган деҳқончилик минтақасида етарли даражада гидротехник иншоотлар билан жиҳозланган суғориш шаҳобчалари ва гидромелиоратив тизимлар мавжуд. Улар ёрдамида ишлаб чиқариш амалиётида мавжуд сув захиралардан фойдаланиш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини қониқарли даражада юритишга эришилмоқда. Лекин шунга қарамасдан, сўнгги йилларда деярли сурункасига давом этаётган сув танқислиги ва вужудга келган сув хўжалиги, эколого-мелиоратив ҳолатларнинг салбий асоратларини юмшатиш, олдини олишга йўналтирилган ташкилий-бошқарув шакллари, сув тежамкор технологияларни қўллаш, мавжуд сув-ер захираларини муҳофаза қилишга оид тадбирлар мажмуаси «Чекланган сув тақсимоти» тамойиллари талабларини инобатга олган ҳолда илмий асосланмаган, қишлоқ ва сув хўжалиги ишлаб чиқаришида қўллаш нуқтаи-назаридан ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий ишлари режаси билан мослиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш

муҳандислари институти ҳамда халқаро илмий-тадқиқот ишлар режасининг IWMI-ICARDA «Ўзбекистондаги хўжаликларда ер ва сув захираларини яхшилаш» (2001-2002), USAID-NRMP - «Сувдан фойдаланувчиларга техник ёрдам» (2002-2003), FAO (ICARDA)–«Қурғоқчиликдан зарар кўрган Қорақалпоғистон ҳудудида барқарор қишлоқ хўжалиги амалиёти» (2003-2004), ICARDA (IWMI) - «Ёрқин доғлар» (2005-2007) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотлар мақсади** Қорақалпоғистон Республикасининг суғориладиган деҳқончилик минтақасида сув танқислиги шароитида қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишнинг ташкилий–технологик асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мавжуд сув захираларидан фойдаланишнинг бугунги аҳволи ва унинг самарадорлигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш;

сувдан фойдаланиш режасини ишлаб чиқиш усулини такомиллаштириш;

донли-бошоқли ўсимликларни етиштиришда сув тежамкор технологияларни такомиллаштириш;

сув истеъмолчилари уюшмасини гидрографик бошқариш усулини такомиллаштириш;

сув ресурслари танқислиги шароитида сувдан фойдаланишнинг тартиби ва режалаштириш усулларини такомиллаштириш;

чекланган сув тақсимоти шароитида ерларнинг тупроқ-мелиоратив ҳолатини асослаш;

чекланган сув тақсимоти шароитида шўрланган тупроқларни ювишнинг самарали технологияларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги суғориш шоҳобчалари, гидромелиоратив тизимлар ва суғориладиган ерлар олинган.

**Тадқиқот предмети** қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишнинг аҳволи, сув захираларини бошқаришнинг ташкилий шакллари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлар етиштириш ва тупроқ шўрини ювишда сарфланаётган сув маҳсулдорлиги ва самарадорлигини оширадиган технологиялари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида сувдан фойдаланиш, мелиорация ва суғориладиган деҳқончиликка оид маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, гидрогеолого-гидрометрик, инструментал-техник, тупроқ-геокимёвий, тажриба-таҳлил, камерал, биометрик, ҳисоблаш, башорат қилиш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сувдан фойдаланиш режасини ишлаб чиқиш усули суғориладиган ерларнинг сув билан таъминланиш даражаси орқали такомиллаштирилган;

донли-бошоқли ўсимликларни жадал етиштиришнинг сув тежамкор технологияси ерларни лазер усулида текислаш орқали такомиллаштирилган;

сув истеъмолчилари уюшмасини гидрографик бошқариш усули шартномавий муносабатлар орқали такомиллаштирилган;



сув танқислиги шароитида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш коллектор-дренаж тизимининг гидравлик параметрларини ўзгартириш натижасида асосланган;

шўрланган майдонларнинг шўрини ювиш технологиялари ер участкаларини майда чекларга бўлиш орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

худуднинг сув билан таъминланганлик даражасини инобатга олган ҳолда улардан фойдаланишни режалаштиришнинг компьютер дастури ишлаб чиқилган;

чекланган сув тақсимоти шароитида унинг маҳсулдорлигини оширадиган донли-бошоқли ўсимликларни жадал етиштиришнинг сув тежамкор технологияси ишлаб чиқилган;

сув истеъмолчилари уюшмалари (СИУ) мавжуд сув захиралардан гидрографик тамойиллар асосида ташкил этилганда, улардан оқилона фойдаланиш асослари ишлаб чиқилган;

сув танқислигида шўрланган тупроқларни ҳар йили жорий шўр ювиш тартиби ва технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотлар натижасида шакланган фикр-мулоҳаза, хулоса ва тавсияномалар мазкур соҳада қабул қилинган мумтоз ва замонавий усулларда олиб борилган кузатув ва тажрибаларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва унинг қошидаги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти минтақада сув танқислиги, асосий дарёлар оқимининг йил давомида ва сурункасига ўзгариб туриши, «чекланган сув тақсимоти» тартиби ишлаб чиқариш амалиётида Республикадаги ажратилаётган сувдан илмий ва назарий фойдаланишнинг ташкилий-бошқарув тизимини, шўрланган майдонларнинг шўрини ювиш технологияларини, сув истеъмолчилари уюшмалари гидрографик тамойилларини такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда ҳосилдорликни оширадиган агротехник ва агромилиоратив тадбирлар технологияларини, чекланган сув тақсимоти шароитида унинг ҳосилдорлигини оширадиган донли-бошоқли ўсимликларни жадал етиштиришнинг сув тежамкор технологиясини, сув танқислигида шўрланган тупроқларни ҳар йили жорий шўр ювиш тартиби ва технологиясини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Суғориладиган деҳқончилик минтақасида сув танқислиги шароитида қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишнинг ташкилий-технологик асосларини ишлаб чиқиш асосида:

сув захираларини гидрографик тамойили асосида бошқариш ва худуднинг сув билан таъминланганлигини инобатга олган ҳолда сувдан фойдаланиш режасининг такомиллашган усули Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Қуйи-Амударё ирригация тизими ҳавза бошқармасига жорий этилган (Қишлоқ ва сув

хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 23 январдаги 04/29-86-сон маълумотномаси). Натижада сув истеъмолчилари уюшмаларида мавжуд сув захираларидан сувдан фойдаланиш режасининг такомиллашган усулини қўллаш ҳудуднинг сув билан таъминланганлик даражасини 10% га ошириш имкони яратилган.

донли-бошоқли ўсимликларни жадал етиштиришнинг сув тежамкор агротехнологик ва агромелиоратив такомиллашган усуллари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Қуйи-Амударё ирригация тизими ҳавза бошқармасига жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 23 январдаги 04/29-86-сон маълумотномаси). Натижада чекланган сув тақсимооти шароитида унинг маҳсулдорлигини оширадиган донли-бошоқли ўсимликларни жадал етиштиришнинг сув тежамкор технологиясини қўллаш уларнинг етиштириш ҳосилдорлигини 10% га ошириш имкони яратилган.

ҳар йили жорий шўр ювиш тартиби ва технологияси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Қуйи-амударё ирригация тизими ҳавза бошқармасига жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 23 январдаги 04/29-86-сон маълумотномаси). Натижада сув танқислигида шўрланган тупроқларда шўр ювишнинг тартиби ва такомиллашган технологиясини қўллаш ҳудуддаги ерларнинг мелiorатив ҳолатининг яхшиланишига имкон яратилган.

сув танқислиги шароитида суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш усуллари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Қуйи-Амударё ирригация тизими ҳавза бошқармасига жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 23 январдаги 04/29-86-сон маълумотномаси). Натижада коллектор-дренаж тизимларининг гидравлик параметрларини ўзгартириш орқали ерларнинг мелiorатив ҳолатининг яхшиланишига имкон яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 12 та илмий техник, шу жумладан 6 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (Dsc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлардан 19 та мақола, жумладан 17 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда ва 1 та монография нашр этилаган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 199 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотларнинг Ўзбекистон ва жаҳонда долзарблиги ва зарурати асосланган, ишнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари шакллантирилиб, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг

илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб берилган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Суғориладиган ерларда сувдан фойдаланиш ҳолати”** деб номланган биринчи бобда – суғориш шаҳобчалари ва сувдан фойдаланишнинг аҳволи, сув захираларини бошқаришнинг ташкилий-таркибий шакллари таҳлил қилинган. Ҳозирги даврда республиканинг суғориладиган деҳқончилик минтақасида 22101,4 км суғориш шаҳобчалари мавжуд. Шулардан 861,8 км магистрал ва 2733,4 км хўжаликлараро каналлар сув-хўжалик ташкилотлари тассаруфида ва давлат бюджети ҳисобида бўлиб 500,1 минг/га майдонни сув билан таъминлайди.

Амударё оқимининг камайиши сабабли Кизкеткен, Кегейли, Куваниш-Джарма ва бошқа йирик каналларнинг оқими, гидравлик, гидродинамик кўрсаткичлари ўзгарган, ўзанларини лойқа босган. Шу боис айрим каналларнинг лойқа босиши туфайли сув ўтказиш қобилияти лойихада кўрсатилганига нисбатан 30-35 % га камайган. Амалиётда  $B/h_{cp}$  нисбати 28-51,8 атрофида, яъни муқобил (16-18) кўрсаткичдан 1,2-2,5 баробар кам.

Чуқурликнинг камайиши ён томондан ювилиш билан изоҳланмоқда. Кўп жойларда сув сатҳининг кўтарилиши билан дамбаларнинг сезиларли қисми ювилган ва авария ҳолатлари содир бўлган. Умуман олганда, Куваниш-Джарма ва Кизкеткен-Кегейли каналларининг 92 % ва 79,1 % нинг техник ҳолати мос равишда қониқарли даражада. Пахтаарна-Найман, Мангит-Назархон каналларининг техник ҳолати нисбатан ёмон ва мос равишда 53 % ва 57 % ташкил этади.

Ирригация тизимларининг ҳозирги техник даражаси бўйича сувдан фойдаланишни ташкил этишда кўп миқдорда, асосан филтрацияга, сув олиш нуқтасидан сув истеъмолчиларга бўлинадиган нуқтагача бўлган магистрал ва хўжаликлараро каналлардаги суғориш сувини узатишдаги буғланишга сув йўқолишлари кузатилмоқда. Республика бўйича айрим ҳолларда Амударёдан олинаётган сувнинг 3,7 млрд. м<sup>3</sup>, яъни 46 % исроф (2016 й) бўлмоқда. Жумладан, Амударёнинг сув олиш нуқтасидан олинаётган сувнинг 9 % туманлар, 16 % хўжалик чегарасигача ва 2,9 % хўжалик ички суғориш шаҳобчаларида бефойда исроф бўлмоқда.

Хўжаликлар ҳудудидаги 18510 км суғориш шаҳобчалари сув истеъмолчилар уюшмаси (СИУ) тассаруфида, улардан фойдаланишда сарфланадиган харажатлар фермер ва бошқа хўжаликлар маблағига қопланади. Улардан фақат 19 км (Куваниш – Джарма ва Пахта арна – Найман суғориш тизимлари) ўзани бетонланган, 102 км эса темир-бетон тарновлардан иборат. Мазкур суғориш тизимлари доирасида хўжаликлардаги суғориш шаҳобчаларининг солиштирма узунлиги 24,1-52 м/га, ўртачаси 37 м/га ташкил этади. Назоратларда олинган маълумотлар ва ҳисобларга қараганда хўжаликлар ҳудудидаги суғориш шаҳобчаларининг солиштирма узунлиги ошган сари фойдасиз сарфланаётган сувнинг миқдори кўпаяди. Натижада хўжаликка етказиб берилаётган сувдан фойдаланишга сарфлаётган

ҳаражатлар ва мос равишда унинг фермерларга ҳамда сув истеъмолчиларига бериладиган сув таннархининг ошиши кузатилмоқда (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Хўжаликдаги суғориш шаҳобчаларнинг солиштирма  
узунлиги ва сувга фойдаланишни самандорлиги**

Т.р №	Кўрсаткичлар	Суғориш шаҳобчалари узунлиги (м/га) бўйича гуруҳлар			
		I	II	III	IV
1	Гуруҳдаги суғориш тизимлар сони	1	3	1	1
2	Ўртача солиштирма узунлик, м/га	24,1	32,5	43,1	52
3	Умумийга нисбатан гуруҳдаги майдон,%	10,2	55,6	14,4	19,8
4	Исроф бўлган сув, м <sup>3</sup> /га.	5551	7579	6797	7041
5	Жорий ҳаражатлар, сўм.	364500	1804300	315800	1035100
6	Далага берилётган сув нархи, сўм.	358	561	979	795

Магистрал каналларнинг фойдали иш коэффициенти (ФИК) 0,90, хўжаликларники 0,84 ва хўжалик ички тармоқларидаги суғориш шаҳобчалариники 0,71 ни, ўртача тизим бўйича 0,54 ни ташкил этади. Магистрал, хўжаликлараро каналларнинг ФИК юқори бўлишининг асосий сабаби уларнинг тупроқли ўзанидан шимилаётган ва ер ости сувлари ҳисобига «чучук» сув қатлами (линза) шаклланишидир. “Димланган фильтрация” режими шаклланиши туфайли сув йўқолиши кескин камаяди, натижада ФИКга сезиларли даражада таъсир қилади. Бундай ҳолат ички суғориш тармоқларида ҳам кузатилмоқда, яъни ўртача ирригация тармоғи бўйича ФИК 0,71 ни ташкил қилади. Шунга қарамадан, истеъмолчиларга ажратилаётган сувнинг 1/3 қисми бефойда сарфланмоқда, етиштирилаётган ўсимликлар ҳосилини шаклланишида қатнашмайди.

Маълумки, халқ хўжалиги тармоқларини таъминлаш учун ҳар йили сарфланаётган сув қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар асосида режалаштирилади. Дарёдан олинаётган сувнинг 90% дан ортиқроғи аграр соҳага, 4,4 % коммунал хўжалиги 3,4 %, энергетика 0,9 % саноат, 0,11 % балиқчилик ва бошқа соҳаларга ажратилади. Сув захираларини бошқариш ва истеъмолчиларга тақсимлаш билан шуғулланадиган ташкилотларнинг маълумотлари бўйича 1997-2015 йй. республикамизга ажратилган сув 10387 млн м<sup>3</sup> дан 8840,5 мил м<sup>3</sup> гача камайган. Истеъмолчиларга етказиб берилган ҳақиқий сув миқдори 93 % ни, яъни ажратилган лимитнинг 83 % ни ташкил этган. Суғориладиган ерларнинг турли қисмларида кузатишлар шуни кўрсатадики, вегетация ва новеетация даврларида сувдан фойдаланишни ташкил қилишда сезиларли камчиликлар аниқланди. Бу ва бошқа сабабларга кўра ишлаб чиқариш амалиётидаги ташкилий-бошқарув характеридаги йил мобайнида ажратилган сув лимитидан кўп ва оз олинishi содир бўлмоқда (2-жадвал).

Ҳар ой олинаётган сув миқдори, млн. м<sup>3</sup>

## а) шўр ювиш даврида

Йиллар	Кўрсаткичлар	X	XI	XII	I	II	III	Жами
1997	Лимит	101,56	361,84	383,62	64,59	193,12	773,27	1878,0
	Ҳақиқий	32,58	251,4	564,71	240,55	194,37	594,18	1877,83
2015	Лимит	82,9	272,2	259,2	-	267,8	622,0	1500
	Ҳақиқий	133,0	271,65	287,42	292,61	252,94	281,07	1518,7


## б) экинларни суғориш даврида

Йиллар	Кўрсаткичлар	IV	V	VI	VII	VIII	IX	Жами
1997	Лимит	257,34	1108,68	1364,27	1635,66	1339,98	444,06	6150,0
	Ҳақиқий	164,26	1167,26	1256,72	1157,09	1142,57	670,15	5558,05
2015	Лимит	422,1	827,7	1277	1964,6	1718,4	628,3	6835,2
	Ҳақиқий	341,36	466,65	681,44	1586,85	1640,54	690,16	5406,99

Ирригация тизимларининг умумий ФИКининг пастлиги, айниқса, ички суғориш тармоқларида, манбадан (хўжаликлараро каналлар) ҳақиқий сув олиш ва сув истеъмоли назоратининг йўқлиги, яъни лимитдан ташқари сув олиш, шўр ювиш ҳамда вегетация суғоришларини ташкил қилишда йўл қўйиладиган хатокамчиликлар сабабли республика суғорма деҳқончилигида солиштирма сув истеъмоли юқори миқдорни ташкил қилади.

Совхоз, колхоз ва кейинчалик ширкат хўжалиги шаклида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни юритишнинг тугатилиши натижасида янги шаклдаги фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил қилинди. Ҳозирги даврда улар деҳқончилик ва чорвачилик бўйича республикада тайёрланадиган умумий маҳсулотларни 90 % ортиғини етиштирмоқда. Давлат олдида ўз ҳуқуқ ва вазифаларига эга бўлган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилиши юритилиши ҳамда ташкил қилиниши бўйича мустақил структурага эга бўлган фермер хўжаликларининг шаклланиши мавжуд сув захираларидан фойдаланиш, ирригация ва гидромелиоратив тизимларни жорий таъмирлаш, қайта тиклашга оид ишларни ташкил этишга маъсул бошқарув тартибини шакллантиришни тақозо этади.

СИУ ларнинг асосий вазифаси сув захираларидан оқилона фойдаланиш, суғориладиган ерлар маҳсулдорлигини ошириш, сув истеъмолчилари ҳуқуқини химоя қилиш ва давлат органлари ва улар тассаруфидаги ташкилотлар олдида уларнинг талабларини етказишдан иборат. Қорақалпоғистон Республикасида ташкил этилган СИУлар 362,0 минг/га майдонда хўжалик юритадиган 7985 аъзолардан иборат бўлиб, улардан 7852 таси фермерлар. Мавжуд суғориш шаҳобчалари, сувдан фойдаланишни бошқариш билан шуғулланадиган ташкилотлар СИУ тассаруфига ўтказилган. Сув истеъмолчилари, СИУ ва ирригация тизимлари орасидаги муносабатларни юридик асоси шартнома ва фермер, деҳқон хўжаликларига ажратилган сувни ўз вақтида етказиб бериш ҳисобланади. СИУ мисолида мавжуд сув захираларини бошқариш қуйидаги тартибда ташкил этилади (1-расм).



**1-расм. «Шох-арик» СИУда сув захираларини бошқариш тартиби**

Умуман, СИУ фаолиятини таҳлиliga қараганда мавжуд сув захираларини бошқариш ва фойдаланиш кониқарли даражада. Шу билан бир вақтда уларни маъмурий-худудий тартибда ташкил этилганда айрим камчиликлар ҳам мавжудлиги қайд қилинган. Жумладан, аксарият кўп ҳолларда ҳар йили лимит бўйича ажратилган сув миқдори истеъмолчиларга хабар қилинмайди, куз-қиш ва ёз ойларида фойдаланиладиган сувга режа тузилмайди, фермер ва деҳқон хўжаликларига сув бир хил тартибда ажратилмайди, каналларнинг қуйи қисмида жойлашган истеъмолчиларга нисбатан кам сув етиб боради. Ундан ташқари молиявий, моддий-техник таъминотдаги камчиликлар мавжудлиги сабабли суғориш шаҳобчалари, иншоотларни таъмирлаш ва қайта қуришга оид ишларни ташкил этишда қийинчиликлар туғилади.

БМТ ФАО комиссиясининг «Практика устойчивого сельского хозяйства в регионе Каракалпакистан, пострадавшим от засухи» мавзусидаги лойиҳасининг «Управление водой и почвой» қисми бўйича 2005-2007 йй. СИУ ларини гидрографик тамойил асосида жойлаштириш тартиби ўрганилди. Назорат сифатида Қорақалпоғистонда илк бор сув захираларини бошқариш маъмурий худудий тамойилда ташкил этилган «Суушы» СИУ танланган.

Олинган маълумотлар асосида уларни худудда гидрографик тартибда жойлаштирилса ажратилган сув хўжаликларга нисбатан бир хил тақсимланиши таъкидланган. Жумладан, СИУ маъмурий-худудий тартибда жойлашганда «Шох арик» каналининг юқори қисмидаги 10 та фермер хўжаликларининг лимит бўйича сув таъминоти 97-100 %, каналнинг қуйи қисмидаги 5 хўжаликда эса 74-80 % ташкил этган. СИУ гидрографик тамойилда жойлаштирилгандан сўнг ажратилган сувни шартномага мувофиқ тақсимлаш натижасида хўжаликларни сув таъминоти деярли бир хил ва ажратилган лимит бўйича 90-100% ташкил этган. Олинган маълумотлар асосида муаллиф тайёрлаган тавсиялар Қорақалпоғистон Республикасида ишлаб чиқариш амалиётида кенг қўлланилмоқда.

Диссертациянинг “Сув унумдорлигини ошириш ва сувдан фойдаланишини режалаштиришнинг агро-технологик усуллари” деб номланган иккинчи бобида донли-бошоқли ўсимликларини сув тежамкор жадал этиштириш технологияси ва худуднинг сув билан таъминланганлик даражасини назарда тутган ҳолда улардан фойдаланиш режасини тузишга оид маълумотлар

таҳлил қилинган. Кузги буғдой ва шолени кетма-кет етиштириш бўйича тажрибалар 2005-2007 йй. Чимбой туманида жойлашган "Сары-Алтын" фермер хўжалигида ўтказилган. Тажриба даласида кам шўрланган кумоқ ва соз механик таркибли ўтлоқи-аллювиал тупроқлар тарқалган. 2006 ва 2007 йиллар кузги буғдой («Чиллаки» ва «Половчанка» навлари) ҳосили йиғиб олинган барча вариантларда шолени ўртача – тезпишар «Нукус-2» нави экилган.

Тажриба даласидаги зовурлар яхши ишламаслиги ва тупроқларнинг сув-туз тартиби қониқарсизлиги сабабли 2005 йилда кузги буғдойдан кам 7,8 ц/га - 10 ц/га ҳосил олинди. Зовурлар тозаланиб, тупроқларнинг сув-туз тартиби муқобил даражада келтирилди. Кузги буғдой ҳосили биринчи йилга нисбатан юқори бўлди ва 16,1 ц/га (назорат)-21,5 ц/га (тажриба) бўлди.

Кузги буғдойдан сўнг экилган шолидан энг юқори ҳосил – 56,1 ц/га (I вариант) ва 60,1 ц/га (II вариант) яхши текисланган, шולי кўчат қилиб экилган далада олинди. Яхши текисланмаган, лекин шולי кўчат қилиб экилганда ҳосилдорлик 46,3 ц/га (III вариант) ва 55,8 ц/га ни (IV вариант) ташкил этди. Ишлаб чиқариш амалиётида қўлланиладиган анъанавий усулда шולי уруғини сепиб экилганда (назорат) ҳосилдорлик 42,3-45,1 ц/га дан ошмади. Даладан олинган ялпи дон (кузги буғдой - шולי) дан ҳосили 2006 йилда 52,9 ц/га (назорат) ва 67,2 ц/га (I вариант), 2007 йилда эса мутаносиб равишда 58,4 ц/га ва 81,6 ц/га тенг бўлди. Йил давомида нисбатан кам сув сарфланган энг кўп дон ҳосили тупроққа ишлов бермасдан, дала лазер мосламаси ёрдамида текисланиб кузги буғдой уруғи аниқ меъёрада, шולי кўчат қилиб экилганда олинди. Назорат вариантда 1 ц/га дон ҳосилига сарфланган сув тажрибага нисбатан 2 баробар кўп бўлганлиги кузатилди. Ялпи дон ҳосили 81,6 ц/га бўлганда соф даромад 2856,2 минг сўм/га, 58,4 ц/га эса 596,5 минг сўм/га (3-жадвал) олинди.

### 3-жадвал

#### Тупроқни экишга тайёрлаш усуллари ва ҳосилга сарфланаётган сув миқдори

Вариантлар	2006 йил				2007 йил					
	Буғдойнинг мавсумий суви, м <sup>3</sup> /га	Шолини мавсумий суви м <sup>3</sup> /га	Умумий берилган сув миқдори, м <sup>3</sup> /га	Умумий ҳосилдорлик, ц/га	Ҳосилга сарфланган сув, м <sup>3</sup> /ц.	Шолини сўғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га	Умумий берилган сув миқдори, м <sup>3</sup> /га	Умумий ҳосилдорлик, ц/га	Ҳосилга сарфланган сув, м <sup>3</sup> /ц	Соф даромад, минг сўм/га
I	1150	14679	15829	67,2	235,5	14506	14506	81,6	177,8	2856,2
II	1850	17002	18852	66,1	285,2	14871	14871	77,8	191,1	2397,7
III	1850	21251	23101	64,7	357,0	20104	20104	71,2	282,3	1574,3
IV	1850	21251	23101	54,3	425,4	17152	17152	64,3	266,7	706,7
Назо- рат	1850	22900	24750	52,9	467,8	20120	20120	58,4	344,5	596,5

*Эслатма: 2007 йил шолидан кейин экилган кузги буғдой сўғорилмаган.*

Маълумки, халқаро миқёсда заҳиралардан фойдаланишни режалаштиришда ҳудуднинг сув билан таъминланганлик даражаси қуйидаги тенглама асосида аниқланади:

$$K_{BO} = \frac{W_{\phi}}{W_n} \cdot 100$$

бунда  $K_{BO}$  – сув билан таъминланганлик коэффициенти, %

$W_{\phi}$  - ҳақиқий олинадиган сув миқдори, м<sup>3</sup>

$W_n$  - талаб қилинадиган сув миқдори, м<sup>3</sup>

Ишлаб чиқариш амалиётида мавжуд ва башорат қилинган заҳираларни инобатга олмасдан сувдан фойдаланишни режалаштириш натижасида айрим хатоликларга йўл қўйилмоқда. Жумладан, 1990-2006 йиллар давомида Тахитош гидро иншоотидан олинаётган оқим миқдори доирасида ҳудуднинг сув билан таъминланганлиги гидрологик йил давомида 68,2-95,4 % ни, республика бўйича 70,3-97,8 % ни ташкил этган. Деярли шундай вазият куз-киш ва ёзги даврларда ҳам қайд қилинган. Ваҳоланки, ҳудуднинг сув билан таъминланганлиги жорий йилда етиштириладиган экинлар тури, майдони ва олинадиган ялпи маҳсулот миқдorigа ҳам таъсир қилади. Хўжаликларда етиштириладиган экинлар тури, майдони жорий йилда олинадиган (башорат қилинган) сув миқдорини инобатга олмасдан белгилаш ҳоллари кузатилмоқда. Оқибатда сув заҳиралари чекланганлиги сабабли ишлаб чиқариш сезиларли даражада зарар кўрмоқда.

Мавжуд сув заҳираларидан фойдаланишни тартибга солиш, истеъмолчиларга белгиланган лимит бўйича табақалаштирилган тартибда тақсимлаш ва чекланган сув тақсимоти шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожланишини таъминлайдиган муқобил экинлар майдони ва турини ҳудуднинг сув билан таъминланганлик даражасини назарда тутган ҳолда аниқлаш тартиби яратилди. Мазкур ёндошишни асослашда қуйидагилар инобатга олинган:

- биринчи навбатда стратегик мавқега эга ва давлат буюртмаси бўйича ғўза, кузги буғдой етиштирадиган хўжаликларни сув билан таъминлаш;
- етиштириладиган ўсимликларни суғориш ва меъёрларини гидромодуль районлаштириш асосида белгилаш;
- лимит бўйича ажратилган сувни истеъмолчилар талабномаси асосида тақсимлаш.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиали мутахассислари билан ҳамкорлигида ишлаб чиқилган математик модел ва алгоритм асосида бажарилган ҳисоблар ва уларнинг ирригация тизимлари бошқармаси, каналлар, туманлардаги СИУ лар мисолида синаб кўрилиши қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чиқариш бўйича сув заҳираларининг камлигини инобатга олиб маҳсулотлар майдонининг оптимал структурасини белгилашга тақозо қилади (4-жадвал).



**Сув таъминоти бўйича Қорақалпоғистонда етиштириладиган ўсимликларнинг таркиби ва майдонлари бўйича тавсиялар**

Т/р №	Худуднинг сув билан таъминланганлиги, %	Ғўза		Кузги бугдой		Шоли		Беда ва озика экинлари		Бошқа экинлар		Республика бўйича жами	
		Экиладиган майдон, минг га	Талаб қилинадиган сув, млн. м <sup>3</sup>	Экиладиган майдон, минг га	Талаб қилинадиган сув, млн. м <sup>3</sup>	Экиладиган майдон, минг га	Талаб қилинадиган сув, млн. м <sup>3</sup>	Экиладиган майдон, минг га	Талаб қилинадиган сув, млн. м <sup>3</sup>	Экиладиган майдон, минг га	Талаб қилинадиган сув, млн. м <sup>3</sup>	Экиладиган майдон, минг га	Талаб қилинадиган сув, млн. м <sup>3</sup>
1	95-90	145	1342,6	60	377,8	70	2903,7	65	601,8	40	333,3	380	5559,2
2	90-80	140	1296,3	60	377,8	50	2074,1	55	509,2	40	333,3	345	4590,7
3	80-60	120	1111,1	50	314,8	30	1244,4	50	462,9	50	416,6	300	3549,8
4	60-50	110	1018,5	40	251,8	10	414,8	40	370,3	50	416,6	250	2472,0
5	50	100	9206,0	25	157,4	1,0	41,4	30	277,7	50	416,6	206	1819,1

Сув захираларидан фойдаланишни режалаштириш тезкор тартибда амалга оширилади ва мавжуд ишлаб чиқариш ва бошқарув ташкилотлари фаолиятига салбий таъсир қилмайди. Сув танқислиги асоратларини камайтириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни талаб даражасида бўлишини таъминлаш учун асосий ўсимликларни унумдорлиги юқори (бонитет бали) бўлган ерларга экиш зарур. Ишлаб чиқариш қобилияти нисбатан паст ерларни сув кам талаб қиладиган ва тузга чидамли ўсимликларга ажратиш ёки табиий пичанзорлар, доривор ўсимликлар етиштириш учун ажратиш тавсия этилади.

Диссертациянинг “Сувдан фойдаланишда пул тўлаш бўйича тажрибалар натижаси” деб номланган учинчи бобида - фойдаланган сувга истеъмолчилар пул тўлаш тартибини ўрганиш бўйича ўтказилган тажриба натижалари келтирилган. Тадқиқотларни мақсади - сув захираларидан фойдаланишни молиявий тартиби, сув-хўжалик ташкилотлари билан истеъмолчилар орасида хўжалик ҳисобига асосланган муносабатларни ишлаб чиқариш амалиётида синаб кўриш. Тажриба ва назоратлар Хўжайли “Туман ишлаб чиқариш-таъмирлаш-фойдаланиш бирлашмаси” (РПРЭО, 1988-1990 йиллар), ғўза етиштирадиган “Халқобод каналлари” (Кегейли тумани) ва шоли етиштирадиган “Болисжап” (Чимбай тумани) фермер хўжаликлари мисолида 2006-2007 йиллари ўтказилди. Тажриба ўтказиладиган ташкилот ва хўжаликларни танлашда «Руководство по выбору водохозяйственных и сельскохозяйственных объектов для проведения производственных опытов и экспериментов по отработке рыночных механизмов в использовании водных ресурсов», меъёрий ҳужжат тарзида «Положение об условиях и порядке проведения производственных экспериментов по оплате услуг за подачу воды государственными ирригационными системами» - асос қилиб олинди ва мутаносиб равишда ташкилий – техник ишлар амалга оширилди.

Истеъмолчиларга сув етказиб берадиган асосий ташкилот РПРЭО таркибига тадбиркорлик бўйича бошқарма раҳбари муовини лавозими, ҳисоблаш гуруҳи

киритилди. Ташкил этилган қисқа муддатли малака ошириш машғулотларида республиканинг барча туманларидан таклиф қилинган РПРЭО, туман агросаноат иттифоқлари (РАПС) раҳбарлари, муҳандис-техник ходимлари, иқтисодчи-ҳисобчилар, сув истеъмолчи хўжаликларнинг гидротехниклари (жами 451 нафар ходим) тажрибаларнинг моҳияти, тартиби, услубияти ва ташкил этиш тартибини ўргандилар.

Хўжайли тумани бўйича сув бўлгичларнинг ҳамма нуқталари, ҳамма каналлардаги таъмир талаб ва қўйилиши лозим бўлган гидropостлар сони инвентаризациядан ўтказилди. Ҳамма гидropостлар метрологик стандартизация мутахассислари томонидан аттестация ва тарировка қилинди. Сув ҳисоби хўжалик вакиллари билан бирга олиб борилди ва ҳар бир сув истеъмолчисига сув бериш ва қабул қилиш актлари ўз вақтида тузилди.

Ташкилий-техник масалалар ҳал қилингандан сўнг РПРЭО ва тумандаги барча хўжаликлар билан етказиб берилаётган сув учун 1га ерга 22 сўм, 1 м<sup>3</sup> сувга 0,78 сўм ва заҳира учун 1 м<sup>3</sup> сувга 0,5 сўмдан пул тўлаш ҳақида шартнома тузилди. Истеъмолчилар сарфлаган пул давлат бюджетининг операцион харажат, тўлиқ таъмирлашга ажратилган ва РПРЭО нинг сув заҳираларига тўлайдиган маблағидан ажратилди.

Олинган маълумотларга қараганда истеъмолчилардан сувга пул олиш умуман заҳиралардан тежаб фойдаланиш мумкинлигидан далолат беради. Жумладан, пул тўлаш тартибига ўтишдан олдин (1988 й) Хўжайли тумани лимит бўйича ажратилган 297 млн. м<sup>3</sup> ўрнига 328 млн. м<sup>3</sup> сув олган. Пул тўлашга ўтгандан кейин мазкур кўрсаткичлар 1989 йили мутаносиб равишда 277,8 ва 295,9 млн. м<sup>3</sup>, 1990 йилда эса 245 ва 250 млн. м<sup>3</sup> ташкил этган. 1988 йили туман бўйича лимитга нисбатан ортиқча олинган сув 31 млн. м<sup>3</sup> ташкил этди. Тажрибанинг биринчи (1989 й) ва иккинчи (1990 й) йиллари лимитдан ҳақиқий кам олинган сув мутаносиб равишда 18,3 ва 5 млн. м<sup>3</sup> га тенг бўлди. Деярли шундай ҳолатни тумандаги сув истеъмолчилари мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Пуллиқ сув истеъмолида ажратилган лимитдан тежамли фойдаланиш имкони хўжаликлар мисолида яққол кўринади. Шундай қилиб, сувдан пуллиқ фойдаланишгача туман хўжаликлари чегарасида белгиланган 250 млн. м<sup>3</sup> лимитда ҳақиқий сув олиш 281 млн. м<sup>3</sup> ни ташкил қилган, яъни 31 млн. м<sup>3</sup> ошган. Пуллиқ сув истеъмолига ўтгандан кейин ҳамма сув истеъмолчилари томонидан сувдан фойдаланиш ҳажми 1989 йилда 15,3 млн. м<sup>3</sup> га ва 1990 йилда эса 5 млн. м<sup>3</sup> га камайган (5-жадвал).

#### 5-жадвал

#### Пул тўлаш тартиби қўлланилганида истеъмолчилар олган сув миқдори (Хўжайли тумани)

Йиллар	Туман чегарасида олинган сув, млн.м <sup>3</sup>			Хўжалик чегарасида олинган сув, млн.м <sup>3</sup>		
	Лимит	Ҳақиқий	Фарқи	Лимит	Ҳақиқий	Фарқи
1988	297,0	328,0	+ 31,0	250	281,0	+ 31,0
1989	295,9	277,6	- 18,3	248	232,7	- 15,3
1990	250,0	245,0	- 5,0	210	205,0	- 5,0

Туман бўйича олинаётган сув миқдорини лимитга нисбатан камайиши ишлаб чиқаришни юритаётган фермер, деҳқонларда тежамкорлик ва молиявий жавобгарлик туйғусини шакллантирди. Жумладан, сувга пул тўлашга ўтгунга қадар ғўза етиштирадиган хўжаликларда мавсумий суғориш меъёри лимит бўйича 6900 м<sup>3</sup>/га, ҳақиқийси эса 7100 м<sup>3</sup>/га ёки 200 м<sup>3</sup> кўп эди.

Суғориш тартиби даври ва технологиясига эътибор бериш, даладан сувни ташлаб юбормаслик натижасида ғўзани мавсумий суғориш меъёри 300 м<sup>3</sup>/га (1989 й) - 200 м<sup>3</sup>/га (1990 й) камайди, ҳосилдорлик 2,6 ц/га ошди (6-жадвал).

**6-жадвал**

**Сувга пул тўлаш бўйича Хўжайли туманида  
қайд қилинган айрим кўрсаткичлар**

Йиллар	1988	1989	1990
Ѓўза экилган майдон, га	18948	18836	17841
Мавсумий суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га:			
Лимит	6900	6800	6500
Ҳақиқий	7100	6500	6300
Фарқи	+200	- 300	-200
Ѓўза ҳосилдорлиги, ц/га	21,1	22,5	23,7
Сувдан фойдаланиш коэффициенти	0,92	0,93	0,95

Хўжайли тумани мисолида эришилган умуман ижобий натижалар айрим СИУ лар ҳам қайд қилинди. Тажриба ва назорат 2006-2007 йилларда ўтказилган ва дастлаб қўйидаги ташкилий-техник ишлар бажарилган:

хўжалик ҳудудидаги суғориш шаҳобчаларини жойлашиш тартиби, солиштирма узунлиги аниқланган;

суғориш, шаҳобчаларидаги тўғон ва иншоотлар ҳисобга олинган;

шикастланган тўғон, иншоотлар таъмирланган ва сув ўлчагичлар ўрнатилган;

истеъмолчилар сони, сув олиш тартиби ва шароитлари ўрганилган;

ҳар бир истеъмолчи етиштирадиган ўсимлик тури ва майдони аниқланган;

хўжаликда сувдан фойдаланиш режаси тузилган.

Тадқиқотларни ўтказиш даврида СИУ таркибидаги ҳар бир истеъмолчи лимит бўйича етказиб берилаётган сув миқдори, уни экинларни тури, майдонига қараб тақсимлаш тартиби назорат қилинган.

“Халқобод каналлари” СИУ 4364 га майдонга сув етказиб беради. Шундан 1432 га да ғўза, 539,1 га да кузги буғдой, 4 га да мева ва узум, 1921,3 га да бошқа ўсимликлар етиштирилади. Томорқаларнинг умумий майдони 466,9 га. СИУ га лимит бўйича 2006 йилда 44,2 млн м<sup>3</sup> 2007 йилда 44,0 млн м<sup>3</sup> ажратилган эди, ҳақиқий олинган сув эса мутаносиб равишта 45,2 млн м<sup>3</sup> ва 43,9 млн м<sup>3</sup> ташкил этган.

Маълумки, пул тўлаш тартибининг асоси мавжуд захиралардан истеъмолчиларга берилаётган сув нархини, етказиб бериш усули ва тартибини инобатга олган ҳолда, тўғри белгилаш. Тажрибада “Халқобод каналлари “СИУ бўйича 1.01.2007 йил ҳолатига кўра хўжаликлардаги экинларни ўз оқими билан суғоришда 1 м<sup>3</sup> сувга 0,21-0,30 сўм ва 1 гектар ерни суғоришга 2000-3500 сўм,

насослардан фойдаланилганда мутаносиб равишда 1,5-2,0 ва 15000-18000 сўм пул ҳаражат қилинган. Истеъмолчилар СИУ 2006 йилда умумий ҳаражатларнинг 62 % ни, 2007 йилда эса 89 % ни тўлаган. Биринчи йили ҳаражатларни нисбатан кам тўланганлиги маълум даражада СИУ бўйича бизнес-режада кўрсатилган хизматларни фақат 64 % бажарилганлиги. 2007 йилда бизнес-режадаги хизматлар тўлик бажарилиш натижасида истеъмолчиларни етказиб берилган сувга пул тўлаши кескин ошди.

“Болыс-жап” СИУ Чимбой туманидаги Кизилўзьяк ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган. Лойиҳа бўйича хўжаликда шоли етиштиришга мослаштирилган суғориш шаҳобчалари ва гидромелиоратив тармоқлар қурилган. Уюшманинг умумий майдони 6728 га, шундан 358,4 га да ғўза, 703 га да шоли, 1313 га да кузги буғдой, 4190,3 га да ҳар хил бир ва кўп йиллик ўсимликлар етиштирилади. Фермер, деҳқон хўжаликларининг томорқалари 163,3 га 2006 йилнинг ёзги ойларига лимит бўйича ажратилган сув режадан 2,7 млн м<sup>3</sup> кўп ва 74,4 млн м<sup>3</sup> га, тенг бўлиб ҳақиқий олинган сув эса лимитдан 0,6млн м<sup>3</sup> кам бўлган. Нисбатан сув кам бўлган 2007 йили ёз ойларига ажратилган лимит 48,1 млн м<sup>3</sup>, ҳақиқатда эса 48 млн м<sup>3</sup> ни ташкил этган.

СИУ ҳудудидаги хўжаликларга сув, асосан ўз оқими билан етказилади. Унинг нархи 1 га майдон учун 2076 – 2500 сўм, 1 м<sup>3</sup> эса 0,16 – 0,20 сўм миқдорда шартномада қайд қилинган. Уюшма хизматларини молиялаштириш манбааларининг ноаниклиги ва истеъмолчилар орасидаги муносабатлар яхши йўлга қўйилмаганлиги кузатувлар жараёнида намоён бўлди. Жумладан, уюшманинг 2006 ва 2007 йиллар учун бизнес режасидаги ишлар мутаносиб равишда 95,7 % ва 85,6 % бажарилишига қарамасдан, унинг хизматлари учун истеъмолчилар 38,7 % ва 48,8 % ҳақ тўлаганлар (7-жадвал).

7-жадвал

#### СИУ ва истеъмолчилар орасидаги молиявий муносабатлар аҳволи

Кўрсаткичлар	Халқобод каналлари			Болыс-жап		
	2006	2007	Жами	2006	2007	Жами
Бизнес режада хизматларга ажратилган маблағ, минг сўм	9075	11375	20450	12966	12295	25261
Ҳақиқий ҳаражатлар: минг сўм, %	5782 63,7	11375 100,0	17157 83,9	12412 95,7	9659 85,6	22071 87,3
Хизматларга ҳақиқий туланган маблағ: минг сўм, %	3585 62	10193 89,6	13778 80,3	4805 38,7	4720 48,8	9525 43,1

Диссертациянинг “Сув танқисли шароитида мелиоратив жараёнларнинг динамикаси” деб номланган тўртинчи бобида сув танқислиги шароитида мавжуд гидромелиоратив тизимларнинг техник ҳолати, ишлаш тартиби ва ишлаб чиқариш амалиётида, қўлланилаётган агротехнологик, агромелиоратив тадбирлар таъсирида суғориладиган тупроқлар сув–туз тартибининг ўзгаришини (1985-2016 й) ифодалаган кўрсаткичлар таҳлил қилинган.

Маълумки, Қорақалпоғистон ва ёндош ҳудудларда тарқалган тупроқларнинг шўрланишида Амударё оқими билан далаларга бериладиган сувлар таркибидаги тузлар ҳам қатнашади. Тахиотош тўғонидаги (гидроиншоотдан) сув оладиган каналлар оқимидаги сувда эрийдиган тузлар миқдори 0,9-1,14 г/л атрофида. Уларнинг кам миқдори июль-август, айрим вақтларда сентябрь ойларида, энг кўпи куз-қиш ва баҳорда кузатилади (8-жадвал).

### 8-жадвал

#### Суғориладиган ерларнинг шўрланган даражаси (1985-2016 йй.)

